

# Мўътабар Тожибоева: Гулнора ўз хатоларини тушуниб етган

🕒 26 декабр 2013



🔗 Баҳам кўринг

Францияда яшаётган таниқли ҳуқуқ фаоли Мўътабар Тожибоева Гулнора Каримованинг Твиттерда эълон қилган мактуби ўзи учун "ёқимли" бўлганини айтди.

Унга кўра, мактуб Гулнора Каримова "ўз хатоларини тушуниб етгани ва Ўзбекистондаги фуқаро жамияти юз тутган муаммоларни тан олаётгани"ни англатади.



Гулнора Каримова ўзи учун "дунё ағдар-тўнтар бўлгани" ва "қарашлари тубдан ўзгаргани"ни айтган

"Отаси бошқараётган тузум мени ашаддий душман, деб турган пайтда Гулноранинг бу эътирофини ижобий баҳолайман", - деб айтди Тожибоева хоним Би-би-си билан суҳбатда.

Чоршанба куни Твиттер микроблогда эълон қилган мактубида Каримова хоним Мўътабар Тожибоевага юнон фуқароси Янис Галаносни озод қилишдаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирганди.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги маъмурий ҳуқуқбузарликда айбланган Юнонистон фуқаросининг 24 декабр куни Ўзбекистондан чиқариб юборилганини маълум қилган.

Аммо Мўътабар Тожибоеванинг Галанос яқинларига иқтибосан айтишича, у Ўзбекистонни фақат 25 декабр куни кечқурун тарк этган.

Гулнора Каримова ўзининг яқин одами сифатида билинган Галаноснинг ҳибсда қийноққа солинганини иддао қилган.

Юнон фуқароси Париждаги "Ўтюралар клуби" раҳбари Мўътабар Тожибоева интернетда унинг ҳимоясига кампания бошлаганидан бир неча кун ўтиб, озод этилган.

Гулнора Каримова Твиттердаги мактубида шунингдек, "МХХ компьютер даҳоларининг найрангларига учиб" Мўътабар Тожибоевани жиноятга шерикликда айблаганидан афсусда эканини изҳор қилган.

Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Тожибоева ҳамда бошқа фаоллар босиб ўтган йўл билан ўзи дуч келган вазият ўхшаш эканини айтган.

## 'Қарашлари ўзгарган'

Айни пайтда Мўътабар Тожибоева Каримова хонимнинг Твиттерда эълон қилган мактуби ўзи учун кутилмаган бўлмаганини айтди.

Унинг сўзларига кўра, Гулнора Каримова 23 декабр куни ўзига Юнонистон фуқароси Янис Галаноснинг яқинларига тегишли электрон манзилдан бир мактуб йўллаб, Галанос оиласига "оғир вазиятда маънавий дастак бериш"га отлангани учун миннатдорчилик билдирган.

Сўнги ойларда ўзи учун "дунёнинг том маънода ағдар-тўнтар" бўлганини ёзган Каримова хоним "ўз қарашларини тубдан қайта кўриб чиққанлиги"ни айтган.

"Мен Сизни олдиндан билмаганим ва Сиз ҳам мени билмаганингиздан афсусланаман. Айнан шу нарса бизнинг бир-биримизга ноҳолис муносабатимизга сабаб бўлган" дея Гулнора Каримованинг мактубидан иқтибос келтиради Мўътабар Тожибоева.

Ушбу сўзлар Каримова хонимнинг Мўътабар Тожибоева ҳақида аввалроқ матбуотга билдирган изҳоротларидан тубдан фарқ қилади.

Шу йилнинг 8 декабр куни Туркиянинг "Хуррият" рўзномасига берган ёзма интервьюсида Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Мўътабар Тожибоева ҳамда яна бир қатор фаолларни ўзига қарши ўзбек махсус хизматлари билан тил бириктиришда айблаган.

У Тожибоева ва бошқалар Ўзбекистонда бизнес манфаатларига эга "жиной гуруҳ шериклари" эканликларини иддао қилган эди.

я и мои близкие вынуждены защищаться, а иногда отбиваться. Я сожалею, что Вы стали мишенью и как Вы пишете в своем письме, предметом провокации "чтобы направить меня на неправильный путь", а особенно о том, что я пошла на поводу таких уловок "компьютерных гениев СНБ" и высказала в Ваш адрес обвинения в пособничестве. Я благодарю Вас за Ваши мудрые шаги и человеческое отношение к делу  
Яниса Галаноса.  
Я хочу верить в то, что начатое Вами и Вашими соратниками обличение настоящих врагов спокойной жизни и цивилизованного развития гражданского

Мактубда Гулнора Каримова Мўътабар Тожибоевани асосиз айблаганидан афсусда эканини айтган

Бунинг ортидан Мўътабар Тожибоева "Хуррият" рўзномаси ва Гулнора Каримовадан расман кечирим сўрашни талаб қилган.

Инсон ҳуқуқлари фаоли "Хуррият"даги интервью ўзининг "шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи ёлғон маълумотларни" ўз ичига олганини айтган.

Мўътабар Тожибоева Гулнора Каримованинг Твиттерда эълон қилган мактубини ўзи ва Ўзбекистондаги "тузумнинг бошқа қурбонларидан кечирим сўраш" деб қабул қилишини айтди.

Айни пайтда у Гулнора Каримованинг лойиҳаларида иштирок этган ва ҳануз ҳибсда қолаётган бир қатор ёшларни озод этиш учун кампания бошлаётганликларини маълум қилди.

## Инсон ҳуқуқлари риторикаси

Дунёдаги энг шафқатсиз тузумлардан бирини бошқариши айтиладиган Президент Ислам Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова яқин-яқингача Ўзбекистондаги мавжуд тузумнинг бир қисми ва ҳатто рамзи сифатида кўриб келинган.


Ҳуқуқ фаолларининг сўнгги икки йилда Твиттер микроблогда фаол бўлган Каримова хоним билан Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг аянчли аҳволи юзасидан мулоқотга киришиш уринишлари зое кетган.

Брюсселдаги Халқаро инқироз гуруҳидан Эндрийо Штролайн Ўзбекистоннинг Женевадаги элчиси бўлган Каримова хонимга бир неча марта инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ саволлар билан мурожаат этгани, аммо у биронта ҳам саволга жавоб қайтармаганидан "Каримованинг Твиттердаги аккаунти сохта" деган хулосага ҳам келганини айтади.

Аммо вазият шу йилнинг октябрида, Гулнора Каримовага тегишли экани айтиладиган телеканаллар ва ҳайрия ташкилотларининг ёпилиши ортидан ўзгарди.

Гулнора Каримова кутилмаганда Ўзбекистон махсус хизматларини ноқонуний ҳибсга олишлар ва қийноқ қўллашда айблади.

20 ноябр куни у ҳатто ўз лойиҳасида иштирок этган талабалардан бирини ҳибсдан озод қилиш учун милиция идорасига ҳам борди ва Ўзбекистондаги



Мўътабар Тожибоева Каримова хонимнинг эътирофлари самимийлигига ишонади

ҳибсга олишларни 1938 йилдаги Сталин қатағонларига қиёслади.

Ижтимоий тармоқ сайтларида Гулнора Каримова билан ўзбек махсус хизматлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги зиддиятга муносабат билдирган фаоллар ва таҳлилчиларнинг кўпчилиги Каримова хоним фақат ўзи ва яқинларини ҳимоя қилишга уринаётгани ҳақидаги фикрларни билдиришган.

Лондондаги мустақил журналист Шоҳида Ёқубнинг айтишича, Гулнора Каримовани инсон ҳуқуқлари фаоли деб аташ қийин.

Айни пайтда у Гулнора Каримова Твиттерда ошкор этган далиллар инсон ҳуқуқлари гуруҳлари йиллар давомида бонг уриб келаётган ҳолатларни тасдиқлаши билан аҳамиятли, деган фикрда.

Мўътабар Тожибоевага кўра, Каримова хоним Ўзбекистондаги фуқаро жамиятига босимлар ва инсон ҳуқуқларининг аянчли аҳволдан хабардор бўлмаган, деб айтиш қийин.

"У Ўзбекистоннинг БМТдаги элчиси бўлган, албатта бу ҳолатлар ҳақида кўп марта эшитган. Модалар кўргазмасининг нима учун қолдирилганини ҳам яхши билган", дейди Францияда яшаётган фаол.

Айни пайтда Тожибоева хонимнинг фикрича, Гулнора Каримова инсон ҳуқуқларининг бузилишига доир баёнотларни худди отаси каби "мустақил Ўзбекистонни кўролмайдиганларнинг иши", деб қабул қилган бўлиши мумкин.

"У бу фактларни текшириб кўрмаган. Бугунга келиб ўзи ҳам шундай вазиятга тушганидан кейин ҳақиқий аҳволнинг қанчалик аянчли эканини кўраяпти", - дейди Мўътабар Тожибоева.

Айрим таҳлилчилар Гулнора Каримованинг Твиттер ва хорижий матбуотда Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматига қарши танқид ва фош этувчи чиқишларини чорасизлик амаллари, деб ҳисоблашади.

Бир пайтлар отасининг эҳтимолий меросхўри сифатида кўрилган Гулнора Каримова 23 декабр кунги твитада махсус хизматлар ўзи ва ўғлини отасининг ёнига қўймаётганини айтган.

Каримова хоним Твиттерда ўғли Ислом ва МХХ зобитлари ўртасидаги музокаралар акс этгани айтилган видеони ҳам эълон қилган эди.

Президент Каримовнинг ўзи ёки расмийлардан биронтаси ҳозирга қадар Гулнора Каримова атрофидаги можарога муносабат билдирмаган.

**Бу ҳикояни баҳам кўринг** Баҳам кўриш ҳақида





▲ Топга қайтиш

## Бу мавзуда батафсилроқ

**Гулнора Каримова: МХХ бизни отамнинг олдига қўймапти**

24 Декабр 2013

**Мўътабар Тожибоева турк рўзномасидан раддия талаб қилмоқда**

16 Декабр 2013

**Гулнора Каримова – зиддият кўлами кенгаймоқда**

1 Ноябрь 2013

## Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

## Муҳаррир танлови



**Жаҳон Чемпионати-2018:  
Ким ғалаба қилади? BBC  
News ўйини билан бир  
башорат қилиб кўринг**



**Москвадаги ўзбеклар:  
“Пулсиз қолдик, қарзга  
ботдик...”**



**Собиқ уйсиз дунёни  
очликдан қандай  
қутқармоқчи?**



**Дунёда мисли кўрилмаган  
тажриба: Ўзбекистон Орол  
денгизи тубини ўрмонга  
айлантирмоқда**



**Инглизча «дунёнинг  
севимли тили» бўлиб қола  
оладими?**



**Рўзанинг танамизга  
таъсирини биласизми?**



**Би-Би-Си охири замон  
ҳақида хабар берди(ми?)**

## Энг кўп ўқилган

'Ислон республикасида рақс тушиш учун таваккал қилгандик...хатарли таваккал!..'

**1**

Сурия: Ассаднинг туганмас уруши

**2**

Ўзбекистонда мисли кўрилмаган текширувлар ўтказилмоқда

**3**

Сўнги янгиланиш: 29 ноябр 2015

Самарқанд ҳоқими ва ечинтирилган аёл ўртасида қандай фарқ бор?

**4**

## Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

### Хизматлар



## Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**